

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI

453 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 16 август,
227-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 16 августдаги 227-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):

а) 3-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Тошкент давлат юридик университетининг моддий-техника, ўқув-методик мустаҳкамлашга, ҳуқуқ ва давлат қурилиши соҳасида тадқиқотлар ўтказишга, Ўзбекистоннинг ва хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибининг стажировкадан ўтишини ташкил этишга»;

тўртинчи — еттинчи хатбоши тегишли равишда бешинчи — саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-илованинг 4-бандига қуйидаги мазмундаги «и¹» кичик банд қўшилсин:

«и¹) Тошкент давлат юридик университетининг моддий-техника, ўқув-методик мустаҳкамлашга, ҳуқуқ ва давлат қурилиши соҳасида тадқиқотлар ўтказишга, Ўзбекистоннинг ва хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибининг стажировкадан ўтишини ташкил этишга».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси адлия органи ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 29 мартдаги 93-сон қарорига илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 22-модда) 4-бандининг бешинчи — саккизинчи хатбошидаги «институти» сўзи «университети» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 27 майдаги 143-сон қарорига 4-илованинг 51-бандига «институти» сўзи «университети» сўзи билан алмаштирилсин.